

**"ТАСДИҚЛАНГАН"**  
**"SURXON PARMALASH ISHLARI"**

aksiyadorlik jamiyati

Кузатув кенгашининг 2014 йил 16 сентябрдаги  
мажлис қарори билан. Баённома №4.

Кузатув кенгаши раиси: **Б. Ф. Маманов**



М.У. 2014 йил 16 сентябр

**"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"**

Қимматли қозғалар бозори фаолиятини  
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш  
Маркази Сурхондарё вилояти бошқармаси

бошлиғи

**Э. И. Исқандаров**  
25.12.2014 10141-4 - сон

(сана)

М.У.



**АКЦИЯЛАР ЯНГИ ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР**

**"SURXON PARMALASH ISHLARI" aksiyadorlik jamiyati**

(эмитентнинг тўлиқ номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

R	U	1	0	4	J	0	1	4	1	T	5
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Идентификация рақами берилди:

R	U	2	0	4	J	0	1	4	1	T	3
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1000 сўм бўлган 576108 дона эгасининг номи ёзилган оддий  
ҳужжатсиз акциялар

Номинал қиймати 1000 сўм бўлган 14052 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли  
ҳужжатсиз акциялар

Акциялар жамият акциядорлари ўртасида жойлаштирилган аввал чиқарилган  
юқори номинал қийматга эга бўлган акцияларни майдалаш ҳисобига, ўрнига  
янгидан чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошлаш  
йўли билан ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 4 (тўртинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган: "SURXON PARMALASH ISHLARI" aksiyadorlik jamiyati кузатув  
кенгашининг мажлис қарори билан. 16-сентябр 2014 йил №4-сон Баённома.

"SURXON PARMALASH ISHLARI" aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2014 йил  
18 июндаги умумий йиғилиш қарорига асосан. 18-июн 2014 йил №1-сон Баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари: Индекс: 190900  
Сурхондарё вилояти, Кумкўрган тумани, А.Навои кўчаси №8 уй, тел. (8 376) 465-12-42,  
факс 465-24-87.

Эмитентнинг раҳбари:

Хақимов Шерзод Разақович

(Ф.И.Ш., имзо)

Бош бухгалтер:

Уринов Отабек Худойбердиевич

(Ф.И.Ш., имзо)

Мухр

2014 йил 16 сентябр

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури: **Оддий ва имтиёзли.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **Хужжатсиз**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1000 сўм**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **590160 дона, шундан 576108 дона оддий ва 14052 дона имтиёзли.**

5. Ушбу чиқарилишининг умумий ҳажми (сўм): **590 160 000 сўм**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- акциядорлар реестрига киритилиши;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- акциядорлар реестридан ўзлари ҳақида қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган кўчирмалар олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивиденд тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамият уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендларини эркин тасарруф этиш;
- ваколатли давлат бошқарув органларида ва судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- эмитентнинг ўқувсиз, ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарларини тўлашни талаб қилиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳамда жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эгалар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг олинишига нисбатан жамият уставидagi ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Жамият уставига ушбу чиқарилувга нисбатан чекловлар кўзда тутилмаган. Чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан юқори номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жамият акциядорлари ўртасида жойлаштирилади.**

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **590 160 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **48009 дона эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акциялар ва 1171 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли хужжатсиз акциялар.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамият илгари корпоратив облигациялар чиқармаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

Ушбу чиқарилган акциялар жамият акциядорлари ўртасида жойлаштирилган аввал чиқарилган юқори номинал қийматга эга бўлган акциялар ўрнига янгидан чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошланади.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): **Юқори номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янги чиқарилган номинал қиймати камайтирилган акцияларга айирбошлаш йўли билан ёпиқ обуна орқали жамият акциядорлари ўртасида жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: Акцияларни жойлаштириш акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор рўйхатга олинган санадан бошлаб, 15 календар кундан кечиктирмасдан айирбошлаш йўли билан амалга оширилади.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: 12000 сўм номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар янги чиқарилган 1000 сўм номинал қийматга эга бўлган акцияларга айирбошланади. Бунда ҳар бири 12000 сўм номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар 12 дондан янгидан чиқарилган 1000 сўм номинал қийматга эга бўлган акцияларга айирбошланади, бунда фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмайди.

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати): Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш, жамият акцияларини сақлаш ва давлат улуши акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш марказий рўйхатдан ўтказувчи вазифасини бажарувчи Қимматли Қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат корхонаси томонидан амалга оширилади.

Марказий рўйхатдан ўтказувчи ҳақидаги маълумотлар:

Тўлиқ фирма номи: Қимматли Қоғозлар Марказий депозитарийси.

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси.

Манзили – индекс 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро кўчаси 10 уй. Тел.(8371)236-14-34.

Почта адреси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро кўчаси 10 уй, e-mail:info@deponent.uz.

Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи депозитарий:

1. Тулик фирма номи: “Сурхондарё Вақт” Депозитарийси масъулияти чекланган жамияти

Ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамият

Манзили – 190011, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси.

Почта адреси: 190011, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси. Тел.(8376)223-35-99, e-mail: survakt@mail.ru

Фаолиятни амалга оширишга доир лицензия рақами, берилган санаси – 809 –сонли лицензия, 2005 йил 25 февралда берилган.

Лицензияни берган орган: Қимматли қоғозлар базирини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази;

Амал қилиш муддати: Муддатсиз.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмайди.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ҳар бири 12000 сўм номинал қийматга эга бўлган жойлаштирилган акциялар 12 тадан янгидан чиқарилган 1000 сўм номинал қийматга эга бўлган акцияларга айирбошланиши сабабли, акциялар учун тўлов кўзда тутилмайди.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоиздан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): Чиқарилаётган акциялар 100 фоиз айирбошлаш (конвертация) ҳисобига жойлаштирилади. Ушбу чиқарилишдаги акциялар 100 фоиздан кам миқдорда жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга олмаган деб топилди.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўлов кўзда тутилмаганлиги сабабли, тўлов воситаларини қайтариш тартиби ҳам кўзда тутилмайди.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби: Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласининг асл нусхалари билан Сурхондарё вилояти, Кумқўрғон тумани, А.Навоний кўчаси №8 уйда жойлашган жамият маъмурий биносида танишиш мумкин. Контакт телефонлар (8376) 465-12-42, 465-24-87.

Жамият акциялар чиқариш тўғрисидаги ахборотни ва эмиссия рисоласини амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг CSM.GOV.UZ сайтида эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг манзили Тошкент шаҳри, индекс 100047, Бухоро кўчаси, 10 уй. Телефон (8371) 236-06-34.

13. Бошқа маълумотлар: йўқ.